“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati
Ягона акциядорининг 9 - сон

ҚАРОРИ

2024 йил 12 март Тошкент шаҳри

“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда - “O‘zbekiston MET” AJ)нинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, “O‘zbekiston MET” AJнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан “The International Company for water and power projects” (Саудия Арабистони) компанияси (Инвестор) ва “Acwa Power Sirdarya” МЧЖ (Лойиҳа компанияси) ўртасида 2020 йил 6 мартда имзоланган битим доирасида “O‘zbekiston MET” AJ ва Лойиҳа компанияси ўртасида “Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида” имзоланган битимга мувофиқ Лойиҳа компанияси томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясини олти ой мобайнида сотиб олиш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган, тикланадиган, қайтариб берилмайдиган ва шартсиз банк кафолати тақдим этиш билан боғлиқ битимларни тузишига рухсат беришни тасдиқлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан “ACWA Power Company (Saudi Listed Joint Stock Company)” (Саудия Арабистони) компанияси (Инвестор) “ACWA Power Riverside Solar” МЧЖ (Лойиҳа компанияси) ўртасида 2023 йил 19 апрелда имзоланган битим доирасида “O‘zbekiston MET” AJ ва Лойиҳа компанияси ўртасида “Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида” имзоланган битимга мувофиқ Лойиҳа компанияси томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясини уч ой мобайнида сотиб олиш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган, тикланадиган аккредитив (банк кафолати)ни очиши билан боғлиқ битимларни тузишига рухсат беришни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Сирдарё вилоятида қуввати 1500 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4799-сон (кейинги ўринларда – қарор) қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорнинг 1-банди олтинчи хат бошида “O‘zbekiston MET” AJга Лойиҳа компанияси томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясини олти ой мобайнида сотиб олиш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган, тикланадиган, қайтариб берилмайдиган ва шартсиз банк кафолати очишга рухсат берилган.

“O‘zbekiston MET” AJ ва Лойиҳа компанияси ўртасида имзоланган “Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида”ги битимларда белгилаб ўтилган тартибга мувофиқ “O‘zbekiston MET” AJ Лойиҳа компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини олти ой мобайнида сотиб олиш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида I-босқичда 37,3 млн АҚШ доллари миқдорида Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган, тикланадиган, қайтариб берилмайдиган ва шартсиз банк кафолати очиш лозим.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги “Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманида қуввати 200 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини ҳамда 334 МВт бўлган электр энергиясини сақлаш тизимини қуриш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-189-сон (кейинги ўринларда – қарор) қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорнинг 5-банди иккинчи хат бошида “O‘zbekiston MET” AJга Лойиҳа компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини уч ой мобайнида сотиб олиш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган ва тикланадиган аккредитив (банк кафолати)ни очишга рухсат берилган.

“O‘zbekiston MET” AJ ва Лойиҳа компанияси ўртасида имзоланган “Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида”ги битимнинг 1.1-бандида белгилаб ўтилган тартибга мувофиқ, аккредетив миқдори сифатида ҳар қандай тўлов амалга оширлишидан аввал Харидорнинг молиявий модели бўйича уч ой давомида оладиган фойдасига тенг 15,5 млн АҚШ доллари (бундан: 3,5 млн АҚШ доллари фотоэлектр станция учун ва 12 млн АҚШ доллари энергия сақлаш тизими учун) миқдорида маблағ қўйилиши кўрсатиб ўтилган. Ушбу битимда белгилаб ўтилган тартибга мувофиқ “O‘zbekiston MET” AJ Лойиҳа компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини уч ой мобайнида сотиб олиш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида

I-босқичда (фотоэлектр станция учун) 3,5 млн АҚШ доллари миқдорида Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган ва тикланадиган аккредитив (банк кафолати)ни очиш лозим.

Бугунги кунда, "O'zbekiston MET" AJнинг молиявий ҳолати **2024 йилнинг 1 январь ҳолатига соф фойдаси -2,87 трлн сўмни (манфий)** ташкил этишини инобатга олиб, Лойиҳа компаниялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини сотиб олиш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компаниялари фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган, тикланадиган қайтариб берилмайдиган ва шартсиз банк кафолати ҳамда аккредитив (банк кафолати)ни очиш масаласи "O'zbekiston MET" AJ ягона акциядорининг қарорини қабул қилиш орқали амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг "**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**"ги қонунининг 58, 59 ҳамда 83 ва 84 – моддаларига мувофиқ, "O'zbekiston MET" AJнинг ягона акциядори **қарор қилади**:

1-масала юзасидан:

1.1. "O'zbekiston MET" AJ ва Лойиҳа компанияси ўртасида имзоланган "Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида"ги битимларда белгилаб ўтилган тартибга мувофиқ "O'zbekiston MET" AJ Лойиҳа компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини олти ой мобайнида сотиб олиш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида I-босқичда 37,3 млн АҚШ доллари миқдорида Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган, тикланадиган, қайтариб берилмайдиган ва шартсиз банк кафолати очиш ишларини амалга оширишга оид битимни тузишга рухсат берилсин.

1.2. "O'zbekiston MET" AJга Лойиҳа компанияси фойдасига I-босқичда 37,3 млн АҚШ доллари миқдорида тасдиқланган, тикланадиган, қайтариб берилмайдиган ва шартсиз банк кафолати очиш учун расмийлаштиришга оид битимни "O'zbekiston MET" AJ томонидан имзолаш ҳуқуқи берилсин.

2-масала юзасидан:

2.1. "O'zbekiston MET" AJ ва Лойиҳа компанияси ўртасида имзоланган "Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида"ги битимнинг 1.1-бандида белгилаб ўтилган тартибга мувофиқ Лойиҳа компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини уч ой мобайнида сотиб олиш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида I-босқичда (фотоэлектр станция учун) 3,5 млн АҚШ доллари миқдорида Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган ва тикланадиган аккредитив (банк кафолати)ни очиш ишларини амалга оширишга оид битимни тузишга рухсат берилсин.

2.2. “O‘zbekiston MET” AJga Лойиҳа компанияси фойдасига I-босқичда (фотоэлектр станция учун) 3,5 млн АҚШ доллари миқдорида аккредитив (банк кафолати)ни очиш учун расмийлаштиришга оид битимни “O‘zbekiston MET” AJ томонидан имзолаш ҳуқуқи берилсин.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш “O‘zbekiston MET” AJ бошқаруви раиси Д.А. Исақулов зиммасига юклатилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари **Б. Ходжаев**

(Р. Ахмедов) (Мурадов) (Дустмуродов) (Юлдашев)

Зам. пред.